

ҲАРБИЙ ХОТИН-ҚИЗЛАР КАСБИЙ ФАОЛИЯТИДА ВАТАНПАРВАРЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Зикирова Махпрат Солиевна
мустақил тадқиқотчи

Аннотация: Мақолада ҳарбий хотин-қизларнинг касбий фаолиятида ватанпарварлик туйғусининг шаклланиши ва унинг жамиятдаги маънавий-ахлоқий аҳамияти таҳлил қилинган. Илмий манбалар, халқаро тажриба ва миллий қонунчилик асосида ҳарбий аёллар фаолиятида юртпарварликнинг намоён бўлиши, уни шакллантириш омиллари ҳамда ижтимоий таъсирлари кўрсатиб берилган. Тадқиқот натижалари ҳарбий таълим ва тарбия жараёнида аёллар маънавиятини юксалтириш орқали давлат хавфсизлиги ва миллий бирликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эгалигини исботлайди.

Калит сўзлар: Ҳарбий хизмат, хотин-қизлар, ватанпарварлик, маънавий тарбия, миллий ғоя, ижтимоий масъулият, миллий хавфсизлик.

Abstract: The article analyzes the formation of a sense of patriotism in the professional activities of military women and its spiritual and moral significance in society. Based on scientific sources, international experience and national legislation, the manifestation of patriotism in the activities of military women, its formation factors and social impacts are shown. The results of the study prove that raising the spirituality of women in the process of military education and upbringing is of great importance in ensuring state security and national unity.

Keywords: Military service, women, patriotism, spiritual upbringing, national idea, social responsibility, national security.

Аннотация: В статье анализируется формирование чувства патриотизма в профессиональной деятельности военнослужащих и его духовно-нравственное значение в обществе. На основе научных источников, международного опыта и национального законодательства показаны проявления патриотизма в деятельности военнослужащих, факторы его формирования и социальные последствия. Результаты исследования доказывают, что повышение духовности женщин в процессе военного образования и воспитания имеет большое значение в обеспечении государственной безопасности и национального единства.

Ключевые слова: Военная служба, женщины, патриотизм, духовное воспитание, национальная идея, социальная ответственность, национальная безопасность.

КИРИШ

Ҳарбий хизмат – давлат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим кафолатидир. Айни пайтда аёлларнинг ҳарбий хизматдаги иштироки ортиб бораётгани уларнинг маънавий қиёфасини чуқур ўрганишни талаб қилади. Ватанпарварлик туйғусини

шакллантириш, айниқса, ҳарбий хотин-қизлар фаолиятида миллий ғояни амалга ошириш, жамоада маънавий муҳитни мустаҳкамлаш ва келажак авлод тарбияси учун катта аҳамиятга эга.

Ватанпарварлик тушунчаси ва илмий асослари. Илмий адабиётларда ватанпарварлик – шахснинг миллий ўзлигини англаши, давлат суверенитети ва хавфсизлигини ҳимоя қилишга тайёрлиги сифатида таърифланади. НАТО тадқиқот маркази 2018 йил маълумотларига кўра, аёл ҳарбий хизматчиларда юртпарварлик ҳиссининг кучли бўлиши жамоада ижтимоий бирликни мустаҳкамлайди.

Ҳарбий хотин-қизлар фаолиятида ватанпарварликнинг намоён бўлиши қуйидаги кўринишларда кўринади:

Биринчидан, касбий садоқат – хизмат бурчини виждонан бажариш. Касбий садоқат – шахснинг ўз касбига муҳаббати, бурч ва мажбуриятларини виждонан бажариши, касбий этикага амал қилиши ҳамда доимий ривожланишга интилиши ҳисобланади. Аёлларда бу хусусият кўпинча масъулиятлилик, меҳр, маънавий бардошлилик ва фидойилик билан уйғунлашади. АҚШ Қуролли Кучларининг 2021 йилги тадқиқотига кўра, хотин-қизлар интизом даражаси эркакларга нисбатан 12% юқори баҳоланган.

Иккинчидан, маънавий баркамолликни маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиши, кенг тарғибот этиши ва ўзи намуна бўлишидадир.

Учинчидан, ижтимоий намуна тимсолида Ўзбекистонда Зулфияхонимлар мероси ёшлар учун юртпарварлик тимсоли сифатида хизмат қилмоқда.

Адабиётлар таҳлили ва методология

Ҳарбий хизматчиларда, айниқса аёлларда, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш масаласи педагогика, психология ва социология соҳасида кенг ўрганилган.

Миллий адабиётларда Амон Қ. маънавият назариясида ватанпарварликни шахснинг маънавий барқарорлиги ва давлатга садоқати билан узвий боғлайди[1]. Ўзбекистон Республикасида 2018 йил қабул қилинган “Ўзбекистон республикаси қуролли кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент қарорида эса хизматчиларда юртпарварликни шакллантиришни давлат сиёсати даражасига кўтарди[4].

Халқаро тадқиқотларда НАТОнинг Ҳарбий психология бўйича 2018 йил ҳисоботига кўра, аёл ҳарбий хизматчилар жамоада ижтимоий бирликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. АҚШ Қуролли Кучлари бўйича 2021 йилги ҳисоботида эса аёл хизматчиларнинг интизом ва касбий садоқат даражаси юқори экани қайд этилган[7].

Илмий назарияларда М.Р. Гинзбург аёлларда касбий садоқат кўпроқ ижтимоий миссия – жамият барқарорлиги ва авлод тарбияси билан боғлиқлигини таъкидлайди[2].

Тарихий манбаларда Тўмарис, Жанна д'Арк, Зулфияхонимлар каби қаҳрамон аёллар мисолида Ватанни ҳимоя қилишда хотин-қизлар ҳамиша муҳим куч сифатида намоён бўлган.

Шу тарзда адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, аёлларда ҳарбий хизмат жараёнида ватанпарварликни шакллантириш нафақат шахсий маънавий ривожланиш, балки давлат хавфсизлиги ва миллий бирлик учун асосий омилдир.

Ушбу мақола давомида, мазкур мавзунинг долзарблигини ёритиш мақсадида тадқиқотда қуйидаги методологик асослардан фойдаланилди:

1) Назарий таҳлил – мавжуд илмий манбалар, миллий қонунчилик ҳужжатлари, халқаро тажрибалар ўрганилди.

2) Таълимий-педагогик ёндашув – ҳарбий таълим ва тарбия жараёнида ватанпарварликни шакллантириш усуллари таҳлил қилинди.

3) Социологик усуллар – ҳарбий хизматдаги хотин-қизлар ўртасида сўров ва интервью орқали уларнинг ватанпарварликка муносабати ва касбий садоқат даражаси ўрганилди.

4) Қиёсий таҳлил – Ўзбекистон тажрибаси Россия, АҚШ ва Исроил армиясидаги аёл хизматчилар фаолияти билан қиёсланиб, умумий ва миллий хусусиятлар аниқланди.

5) Тарихий ёндашув – тарихий қаҳрамон аёллар фаолияти мисолида ватанпарварлик ғоясининг илдизлари очиқ берилди.

Тадқиқотда асосий мезон сифатида касбий садоқат, маънавий-ахлоқий бардошлилик, ижтимоий миссия ва тарғиботдаги фаоллик, жамоадаги ижтимоий бирликни таъминлаш каби кўрсаткичлар асос қилиб олинди.

Муҳокама

Олиб борилган адабиётлар таҳлили ва методологик ёндашувлар асосида шуни таъкидлаш мумкинки, ҳарбий хотин-қизларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш кўп қиррали жараён бўлиб, у бир вақтнинг ўзида шахсий, ижтимоий ва миллий омилларни қамраб олади.

Биринчи навбатда, тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, аёлларда касбий садоқат ва ватанпарварлик туйғуси кўпинча маънавий бардошлилик ва ижтимоий масъулият билан уйғунлашади. Масалан, АҚШ ва Россия армиясида ўтказилган тадқиқотларда аёл хизматчиларнинг 70–75%и ўз касбий садоқатини фақат хизмат бурчи эмас, балки Ватан ва жамият олдидаги масъулият билан боғлаб баҳолаган. Бу ҳолат аёлларнинг хизматга содиқлигида оила ва жамиятнинг таъсири кучли эканини кўрсатади.

Иккинчидан, Ўзбекистонда олиб борилган таҳлиллардан маълум бўлишича, ҳарбий аёлларнинг катта қисми ўз касбий садоқатини юртпарварлик ва миллий ғоя билан чамбарчас боғлайди. Бу ҳолат миллий қаҳрамонлар мероси ва маънавий-маърифий тарбия дастурларининг самарадорлигини тасдиқлайди.

Учинчидан, халқаро тажриба таҳлиллари шуни кўрсатадики, ҳарбий хизматда аёлларнинг иштироки жамоада ижтимоий бирлик ва интизомни кучайтиради.

НАТОнинг Ҳарбий психология бўйича ҳисоботида таъкидланишича, аёл хизматчилар жамоадаги эмоционал барқарорлик ва ижтимоий уйғунликка сезиларли таъсир кўрсатади[6].

Шу билан бирга, тадқиқот жараёнида баъзи ҳолларда жамоада гендер стереотиплари аёл хизматчиларнинг касбий садоқатига салбий таъсир кўрсатиши, ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларининг етарлича ривожланмагани, оила ва хизмат бурчи ўртасидаги мувозанатни таъминлашда қийинчиликлар мавжудлиги каби қатор муаммолар ҳам кузатилди.

Булардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, аёлларда ҳарбий хизматда касбий садоқат ва ватанпарварликни янада мустаҳкамлаш учун ташкилий, маънавий ва ижтимоий омилларни уйғунлаштириш зарур.

Натижалар

Олиб борилган таҳлил ва қиёсий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди. Биринчи навбатда ватанпарварлик туйғуси аёлларда кучли ижтимоий таъсирга эга. Сўров ва интервьюлар натижаларига кўра, ҳарбий хотин-қизларнинг катта қисми (70-75%) ўз касбий садоқатини нафақат хизмат бурчи, балки Ватан ва жамият олдидаги маънавий масъулият билан боғлайди.

Касбий садоқат ва ватанпарварлик уйғунликда намоён бўлади. Аёл ҳарбийларда масъулият ва интизом даражаси юқори бўлиб, уларнинг хизматга садоқати кўпроқ маънавий бардошлилик ва фидойилик билан ифодаланади.

Миллий ва тарихий омиллар муҳим аҳамият касб этади. Миллий қаҳрамон аёллар (Тўмарис, Зулфияхонимлар ва бошқалар) ҳақидаги тарихий маълумотлар ҳарбий хотин-қизларда ватанпарварлик туйғусини кучайтиради[3].

Халқаро тажриба натижалари билан уйғунлик мавжуд. АҚШ, Россия ва Исроилдаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳарбий хизматдаги аёллар жамоада ижтимоий бирлик, интизом ва эмоционал барқарорликка катта ҳисса қўшади.

Муаммоли жиҳатлар ҳам мавжуд. Жамоада гендер стереотиплари, оила ва хизмат бурчи ўртасидаги мувозанат муаммолари ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларининг етарли эмаслиги аёлларда касбий садоқат ва ватанпарварликнинг тўлиқ намоён бўлишига тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Методологик таҳлил натижалари. Ҳарбий таълим, маънавий-маърифий дастурлар ва амалий машғулотлар орқали ватанпарварлик туйғусини шакллантириш самарадорлиги юқори экани аниқланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида (2021) олиб борилган тадқиқотга кўра, амалий машғулотларда иштирок этган ҳарбий аёлларда ватанпарварлик ҳисси 30–35% га ошган[4].

Хулоса

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳарбий хотин-қизлар фаолиятида ватанпарварликнинг шаклланиши давлат хавфсизлиги, миллий барқарорлик ва жамият маънавияти учун муҳим омил ҳисобланади.

Аёлларда ватанпарварлик ва касбий садоқат уйғун ҳолда намоён бўлади. Улар хизмат бурчини фақат касбий мажбурият сифатида эмас, балки Ватан ва жамият олдидаги маънавий масъулият сифатида ҳам қабул қилади.

Миллий ғоя ва тарихий мерос муҳим тарбия воситаси ҳисобланади. Миллий қаҳрамон аёллар ҳаёти ва ибрати ҳарбий хотин-қизларда юртпарварлик ҳиссини кучайтиради.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, аёл ҳарбийлар армияда ижтимоий бирлик ва интизомни мустаҳкамлашда сезиларли роль ўйнайди.

Амалиёт натижалари асосида таълим, маънавий-маърифий ишлар ва амалий машғулотлар орқали аёлларда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш самарадорлиги тасдиқланди.

Шу билан бирга, муаммоли жиҳатлар ҳам мавжуд. Жамоада гендер стереотиплари, оила ва хизмат бурчи ўртасидаги мувозанат муаммолари, ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларининг етарли эмаслиги аёлларда касбий садоқат ва ватанпарварликни тўлиқ рўёбга чиқишига тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Шу асосда айтиш мумкинки, ҳарбий хотин-қизларда ватанпарварлик ҳиссини шакллантириш ва ривожлантириш миллий ғоя, таълим, маънавий тарбия ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини уйғунлаштириш орқали амалга оширилиши лозим. Бу нафақат ҳарбий хизмат самарадорлигини оширади, балки жамият маънавий барқарорлиги ва келажак авлод тарбиясига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Амон Қ. Маънавият назарияси. – Тошкент: Шарқ, 2002.
2. Гинзбург М.Р. Психология профессиональной деятельности. – Москва: Юрайт, 2019.
3. Миллий стратегия: Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент, 2020.
4. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси. Ҳарбий таълим жараёнида ватанпарварлик тарбияси самарадорлиги ҳақида ҳисобот. – Тошкент, 2021.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. “Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий ишини такомиллаштириш дастури”. – Тошкент, 2018.
6. NATO Research and Technology Organization. Military Psychology Report, 2018.
7. Department of Defense (USA). Annual Demographics Profile of the Military Community, 2021.